



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 17 май, жума №79 (1296)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 май кuni Оксаройда Япония Халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчиси Кёсукэ Шинозавани қабул қилди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк йилларидаёқ Япония билан молиявий-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериб келади. Зеро, бу ҳамкорлик мамлакатимизнинг стратегик режаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Япония ҳам Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутган, улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат сифатида қарайди. Табиийки, бу нуқтаи назар Кунчиқар мамлакатидан Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истагини кучайтирмакда. Шу боис Япония парла-

менти аъзолари, сиёсий партияларининг раҳбарлари ва ишбилармон доиралари вакиллари юртимизга мунтазам равишда келиб кетмоқда.

Япония Халқаро ҳамкорлик банки делегациясининг ушбу ташрифи ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги молиявий-иқтисодий ҳамкорликни бундан-да юқори босқичга кўтаришга қаратилган. Жумладан, ташриф асосида Ўзбекистонга янги кредит бериш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди. Япониянинг мамлақати-

миз иқтисодиётига киритган ва киритаётган сармоясининг ҳажми эса 1 миллиард 600 миллион АҚШ долларига етган бўлса, шундан қарийб 1,5 миллиард мазкур банк орқали ажратилган.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида молиявий-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни янада ривожлантириш истиқболлари оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р.Ҳ.Ҳайдаровни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Равшан Ҳайдарович Ҳайдаров Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р.Ҳ.Ҳайдаровни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Равшан Ҳайдарович Ҳайдаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 май

«Ишонч» телефони хабар беради

МОЙЖУВОЗНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси ходими А.Арақулов ва Гулистон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходими Қ.Мустаев томонидан назорат тартибиде ўтказилган текширув давомида Гулистон шаҳар Рудакий кўчаси 23-уйда истиқомат қилувчи ака-ука Эгамберди ва Ҳайрулла Муллаевлар яширинча мойжувоз мосламасини ўрнатиб, пахта ёғи ишлаб чиқараётганликлари маълум бўлди.

Яширин Ҳайдаров 6 тонна кунжар, 5,3 тонна чигит, мойжувоз мосламаси, 200 литрлик темир идиш ва бошқа ашёлар далилий ашё сифатида олинди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб бориляпти.

ЖАРИМА ҚўЛЛанилди

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги «Рус-Там» номли автомобилларга ёнилга куйиш шохобчаси оператори А.Холбоев харидор билан ҳисоб-китоб қилишда назорат касса маънасида фойдаланмаганлиги, йил бошидан бери 15,3 миллион сўм савдо пулини НКМдан ўтказмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Корхонга нисбатан 340 минг сўм молиявий жарима қўлланилди.

БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси назорат тартибиде текширишлари ташкил этиш гуруҳи ходимлари томонидан «Жаҳон Бозори»да ўтказилган тадбир давомида фуқаро Икром Тўйчибоев ҳеч қандай ҳужжатсиз Қирғизистон Республикаси акциз маркази билан марказланган 84,8 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган пайтида қўлга тушди.

Тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Андижон шаҳар судига юборилди. Суд томонидан унга нисбатан 24 минг сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилди. Қонуний тартибда маҳсулотлари эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

СИРЛИ КАССЕТАЛАР

Фаргона шаҳар деҳқон бозориде фуқаро А.Эргашев томонидан ҳеч қандай ҳужжатсиз 144 дона аудио кассеталар сотилаётганлиги аниқланди. «Меркурий» дўкони ичиде эса фуқаро М.Отахонов ҳужжатсиз видео кассеталар савдосини йўлга қўйиб юборган экан. Солиқ хизмати ходимлари тезкор текширув ўтказган кунни бу ерда ҳужжатсиз 97 та 242,5 минг сўмлик видео кассета сотилаётганлигининг гувоҳи бўлишди. Бу кассеталарнинг бирортаси ҳам комиссия кўригидан ўтмаган...

Кейинги ойларида фарғоналик солиқчилар Вазирлар Маҳкамасининг «Гастрол концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан 47 та назоратли текширув ўтказиб, шундан 8 тасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқладилар. Ноконуний сотилаётган 89 та аудио ва видео кассета суд идоралари томонидан давлат фойдасига мусодара қилинди, 3 нафар ҳуқуқбузар шахсга нисбатан 27,4 минг сўм маъмурий жарима, 2 нафар қондабузар шахсга нисбатан 34,2 минг сўм молиявий жарима, иккита текшириш ҳужжати бўйича корхоналарга 205 минг сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида ўрнатилган «Ишонч» телефонлари куну тун ишлаб турибди. Кундалик ҳаётда кўрган-билган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар ҳақида маълум қилиб боришингиз мумкин. Бирорта ҳам маълумот текширувсиз қолмайди. Давлат солиқ қўмитасида ўрнатилган «Ишонч» телефонлари рақамини эслатиб ўтамиз: **144-98-98, 144-98-22, 144-97-16, 144-98-60, 144-97-15.**

Ж. НОСИРОВ,
ДСҚ матбуот хизмати бош мутахассиси.

МАҲСУЛОТ - ЖАҲОН БОЗОРИГА

«Узвесабазавотузумсанот-холдинг» компаниясида тармокнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Бундан қўлланган мақсад - маҳсулот экспортни ҳажмининг оширишидир. Уч йилдан сўнг ушбу кўрсаткичнинг 2000 йилдаги нисбатан 8 марта ошириш ва экспорт ҳажмининг 50 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган.

Мазкур вазифа ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган корхоналарни таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қайта ишлаб чиқаришда янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш ҳисобида амалга оширилади, мевасабзавот маҳсулотларининг сифати яхшиланади.

Ҳолдинг компаниясининг мақсуус ҳужжалиқарида 2005 йилда сабзавот экинлари майдони 12 минг гектарга етказилади. Айтиш жоизки, ўтган йилги бу майдонлар 5,5 минг гектарни ташкил этган эди. Шунингдек, помидорларнинг истикболли навларини етиштириш, мевали дарахтларнинг юқори ҳосил берадиган навларини экинни кўпайтириш режалаштирилмоқда. Бирок, мўл ҳосилни нафақат етиштириш, балки қайта ишлаш ҳам зарур. Шу мақсадда жорий йилдан бошлаб фаолият юриятган ун битта корхонани замонавийлаштириш ва учта янги ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш учун 34 миллион АҚШ доллари миқдордаги инвестиция жалб этиш кўзда тутилган. «Олтинсой» ширкати ташкил этиш ҳисобида амалга оширилади, мевасабзавот маҳсулотларининг сифати яхшиланади.

(ЎЗА).

Касаба уюшмалари бугун

Ҳар бир даврнинг ўзига хос тамойиллари бўлади. Иجتимой шерикчилик, ҳамкорлик, манфаатли алоқалар ана шундай тушунчалар сирасига кирди. Ислохотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларини мустаҳкам қарор топтириш жараёнларида мазкур ўзгаришлар ўзгача маъно касб этади ва жамият ҳамда давлат тараққиётида улкан аҳамиятга эга бўлади. Истиклол йилларида Ўзбекистонимизда юқоридаги омилларга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳўш, ушбу жараёнлар ривожланишининг ҳозирги босқичида қандай кўринишга эга бўлмоқда? Республика ёқили-энергетика, геология ва кимё сановати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раиси Алишер Ғуломов билан муҳабиримиз суҳбати ана шу мавзуда бўлди.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК - ТАРАҚҚИЕТ КАЛИТИ

— Алишер Ҳамидович, дастлаб ўзингиз раҳбарлик қилаётган қўмита фаолияти борасида қисқача тушунча берсангиз...

— Маълумки, ёқили-энергетика, геология ва кимё сановати мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бизнинг касаба уюшмамиз ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. У 1998 йилда уч тармокни бирлаштириш асосида вуқудга келди. Айни пайтда унинг сафларида 230 минг нафар касаба уюшма аъзолари бор. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкимсанот», «Ўзэнерго» давлат акционерлик компанияси, геология ва маъданли захиралар давлат қўмитаси, «Ўзфармасанот» давлат акциядорлик концерни ҳамда геодезия ва давлат кадастри бош бошқармаси бизнинг тенгҳуқуқли органларимиз ҳисобланади. Меҳнатқашларни иқтисодий-ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш, соғломлаштириш, иجتимой шерикчилик масалалари бизнинг асосий вазифаларимиз доирасига кирди.

— Ушбу вазифаларни адо этишда қўлга киритилган натижаларни қандай баҳолаш мумкин?

— Авваламбор, алломалар айтгандек, мақсад ва манзилни аниқ белгилаб олмақ лозим. Зеро, давр ҳам, макон ҳам ҳамиша ўзгаришларга юз тутди. Турғун нарсанинг ўзи йўқ. Бу гаплар бозор муносабатлари, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларимизга, иجتимой шерикчилик, ҳамкорлик, тармоқ касаба уюшмалари ҳаётига бевосита тегишлидир. Мана шундай муҳитда самарали дастурларни ишлаб чиқиш, жамоа шартномалари тузиш, турли бўғинларда келишув ва аҳднонамаларга эришиш муҳим

(Давоми 2-бетда).

Мавсум тараққуи

ЁЗ ЎТАДИ СОЗ

Дастлабки режаларга қараганда бу йил Бухоро вилоятидаги 23 та шаҳар орти оромгоҳларида 20 минг нафардан ортиқ болалар соғломлаштирилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидеги «Семурғ» оромгоҳида ўтказилган ўқув-семинарида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, ўқитувчилар малакасини ошириш институтиде бўлган «Ёз - 2002» ўқув-семинарида оромгоҳларни мавсумга шайлаш юзасидан амалга ошириш лозим бўлган долзарб вазифалар хусусида атрофлича гап борди. Илғор тажрибалар ўртоқлашилди. Болалар оромгоҳларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, соғломлаштириш йўналишлари, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ҳамда техника хавфсизлиги бўйича намоиш этилган видеотасмаларнинг фойдаси катта бўлди.

У. НАВРЎЗОВ.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ

Бекобод шаҳар марказий касалхонасида аёллар репродуктив саломатлик маркази иш бошлади.

Марказда барча шароит мавжуд. Бу ерда қизлар, ёш аёллар малакали гинеколог, кардиолог, асаб ва ички касалликлар шифокорлари кўригидан ўтиб, зарур маслаҳат ва муолажалар олади. «Ишонч телефони» беморлар мушкулини осон қилишга ёрдам беради. Марказнинг очилиш маросимида сўзга

чиққанлар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиқ вилоятда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга эътибор тобора кучайди.

Тиббий ходимлари тадбир давомида она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш борасида ўзаро тажриба алмашди.

(ЎЗА).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЯНА ШАРМ-АШ-ШАЙХДА УЧРАШДИЛАР

Яқинда уч президент — Миср президенти Муҳаммад Хусни Муборак, Саудия Арабистони валиахди Абдуллоҳ ҳамда Сурия президенти Башар ал-Асадлар Мисрнинг Шарм аш-Шайх оромгоҳида учрашдилар. Маълумки, бундан олдин ҳам Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, Исроил ва Фаластин мухторияти ўртасидаги можароларни ижобий йўлга солиш юзасидан бу ерда мулоқотлар бўлган эди. Аммо, белгиланган режалар амалга ошмай қолганди. Эндиликда март ойида Араб Давлатлари Лигаси йиғилишида қабул қилинган тинчлик ўрнатиш режаси муҳофиза қилиниб, қатор ижобий тақлифлар ўртага ташланди.

ДАСТАЛБИКИ ПАРВОЗЛАР

Бир неча кун муқаддам Афғонистондаги тайёрагоҳларнинг бириндан парвоз қилган «Ариана» авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёт Покистонга йўл олди. Унинг ичиде тижорат делегацияси бор эди. Тайёра Ислмободдаги халқаро аэропортга кўнди. Зотан, бу ерда савдо ходимлари анжумани бўлиши мумкин. 18 майда эса Ислмободдан Қобулга ҳам Покистоннинг халқаро авиакомпанияси «PIA»га қарашли самолёт йўл олди. Ушбу парвозлар сўнгги 23 йил ичиде биринчи марта амалга оширилмоқда.

ТЕРРОРЧИЛАР КАМАЛДА

Ҳиндистоннинг Жамма ва Кашмир вилоятидаги Комучак кўрғониде террорчилар йўловчилар тушган автобусга ва ҳарбий шаҳарчага ҳужум уюштирдилар. Натижада 34 киши қурбон бўлди, 57 киши жароҳатланди. Полиция ва ҳарбий қисм бўлинмалари фожеа рўй берган жойни қамал қилиб, террорчиларни маҳв этиш чораларини кўрмоқда.

ОНА КАМОҚКА ТУШДИ

Буюк Британияда 2000 йилда қабул қилинган ўзига хос бир қонун


КЕНИЧНИНГ НИЯТИ

Япониялик Кеничи Хори кичик қайиқчасида саёҳатга отланди. Унинг мақсади ёлғиз ўзи Тинч умонини кесиб ўтишидир. К.Хори Хирого мавзесидеги Син-Нисиномия кўрғазидан Сан-Францискогача бўлган 10 минг километрлик масофани босиб ўтиши лозим.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ РАЁСАТИ

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ
ИШЧИЛАРИ ВА БАРЧА
ХОДИМЛАРИНИ КАСБ
БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ
МУБОРАКБOD ЭТАДИ*



*Жондан азиз Ватанимизни
гуллаб-яшнатиш йўлидаги
барча саъй-ҳаракатларингиз
бароридан келсин!*

Кўхна Бухоро «Универсиада - 2002» республика олий таълим муассасалари талабаларининг мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрди. Бу азим юртда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари иннок, ҳамжихат яшашмоқда. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида шаҳар юбилейи зўр шоду хуррамлик билан нишонланди. Янги-янги кўркем кўчалар, хиёбонлар, шарқона мейморчилик андозалари асосида қад ростлаган объектлар, турар-жой бинолари бунёд этилди. Эндиликда фавворалар кўрк бағишлаб турган Мустақиллик майдони, амфитеатр, Бухоро меҳмонхонаси ва бошқа қосоналар хорижий меҳмонларни ҳам мафтун этмоқда.

«Универсиада - 2002»

«Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади» деган пурҳикмат сўзлари барчамизни улуғ ишларга давват этиб келмоқда. Шу маънода «Универсиада - 2002» мусобақаларига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрди. Аввало Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ўйингоҳни барпо этишга вилоятдаги барча қурилиш таш-

Марақашда ЮНЕСКО бош директори қўлидан дунёнинг бешта минтақасидаги шаҳарларга икки йилда бир маротаба тақдим қилинадиган юксак мукофотни олаётган пайтимизни эслаш гоётада мароқли. Бухорои Шариф 76 шаҳар орасида «Шаҳарлар тинчлиги учун ЮНЕСКО мукофоти»га сазовор бўлганлиги ҳар бир бухороликнинг қалбини жўш урдирди. Бундай юксак мукофотга тарихий обидалар (улар Бухорода 400 га яқин) асраб-авайлан-

«БУХОРО» УЙИНГОҲИ


нимаси билан Марказий Осиёда ягона?

ганлиги, турли миллат, элатлар, шунингдек, диний жамоалар ўртасидаги ўзаро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги сай-ҳаракатлар туйғайли эришилди.

килотлари, меҳнат жамоалари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Қарийб 1,5 йил ичида бу ер зарбдор қурилиш сифатида диққат марказида бўлди. Ажойиб ўйингоҳ кўплаб ишқибозга мўлжалланган бўлиб, барча шароитлар

«Бухоро ўйингоҳи» мусобақалар марказига айланади. Шу билан бирга, кўплаб туман марказларидаги ўйингоҳларда ҳам беллашувлар ўтказилади. Хусусан, Қоракўлда кўл тўпи, Жондорда фарғонача кураш, Когон шаҳри ва Бухоро туман марказида, Гиждувонда футбол бўйича мусобақалар бўлиб ўтади. Вилоят ва шаҳар ҳокимликлари голиб спортчи ва мураббийларни муносиб тақдирлаш тadbирларини тузишган. Энг замонавий автоуловлар, меҳмонхоналар, истироҳат боғлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари универсиада иштирокчилари ихтиёрида бўлади. Уйлаймизки, Бухорода ўтадиган универсиада ёшларимиз қалбида она Ватанга ифтихор туйғуларини янада жўш урдирди.

К.КАМОЛОВ,
Бухоро шаҳар ҳокими,
Олий Мажлис депутати.



Кизикарли бахсларга бой бўлган ушбу турнирда касабани уюшма тармоқлари Фарғона вилоят 8 жамоаси иштирок этиб, голибликни қўлга киритиш учун майдонга тушишди.

КУБОК МАОРИФЧИЛАРДА

— Спорт ва соғломлаштиришни оммавийлаштиришда бундай турнирларнинг аҳамияти катта бўлапти, — дейди Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши маданият ва спорт бўлими мудири Валишер Азизов. — Шу боис минифутбол бўйича илк бор ўтказилган касабани уюшмалари вилоят Кенгаши кубоги мусобақасини ҳар йили ўтказиб туришга келишиб олдик. Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касабани уюшма вилоят кўмитаси футболчиларини 6:4 ҳисобида мағлуб этган таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси вилоят кўмитаси жамоаси бош совринни қўлга киритди.

С. МҮМИНОВ.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

КИОСК деганда одатда турли матбуот нашрлари сотиладиган кичик дўконни англаймиз. Рус тилида бу сўзга «павильон» (турли ишларга мўлжаллаб қурилган, махсус жиҳозланган бино) дея изоҳ берилди. Шунингдек, у майда савдо дўкончаси маъносини тушунилади. Бу туркий сўз асосида «Киоскёр» сўзи ҳосил қилинган. Ўзбек тилида у киоск шаклида қўлланилади. Аслида «Киоск» туркий тиллардаги қўшқ сўздан олинган. Бу сўз форс-тожик тилидан кириб келган бўлиб, «бахаво енгил иморат, боғли қошона» маъносини англатади.

ЛОШАДЪ — алаша. Рус тилидаги

от ва от тусини ифодаловчи кўпгина сўзлар тиллардан ўтган. Маълумки, русча лошад сўзи «от, йилқи» маъносига эга. Бу сўзнинг ҳам асли қўринишини туркий лўғатдан кидирмоқ керак. Озарбайжон тилида алаша сўзи бўлиб, «дардов от, қирчанги»ни англатади. Чувашча лаша ва татарча алаша «юк ташувчи, ахта от» деганидир. Мутахассислар фикрича, лошад сўзи аслида туркий тилдаги алаша ва от сўзларининг бирикувидан келиб чиққан рус тили қондасига кўра, урғусиз ҳолатда сўз бошида турган — а ҳарфи тушиб қолади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

«Саломатлик» спартакиадаси мусобақаларида ТЕРМИЗДА КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ

Яқингинада 2500 йиллик тирокчилари — Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хуррамлик билан нишонланган Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган республика кишлоқ спартакиадасининг якуний босқич беллашувлари бошланди. 15 май куни марказий «Алпомиш» ўйингоҳида спорт байрамнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Карнай-сурнай садолари барча-барчани унутилмас онларга чорлади. Тантанаворлик касб этган ўйингоҳ марказидан ҳур Ўзбекистонимиз келажаги бўлмиш Алпомишлар, гўзал Барчинолар чиқиб келишди. Шундан сўнг, спартакиада иш-

«ДЕЛЬФИН» МУНОСИБ СОВФА

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам Термиз шаҳрининг юбилейи муносибати билан сурхондарёликларга совға сифатида ажойиб сузиш хавзаси қурилишини бошлаб юборганди. «Сурхондарёдеҳқонқурилиш» трести бунёдкорлари бу ишни уюшқоқлик билан олиб бориб, уни белгиланган муддатда фойдаланишга топширдилар. Улуғ ишда 271, 574-хўжалиқларро механизациялашган кўчма жамланма курувчиларининг ҳиссаси алоҳидадир. Ишловчиларга ҳар томонлама қўлай шарт-шароит яратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш касабани уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлди.

тазам шугулланиш истагида бўлганлар малакали мураббийлар ва шифокорлар назоратида бўладилар. Марказининг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Д.Жаҳонгирова, республика жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Б.Махситов ва бошқалар соғломлаштириш мажмуининг ишга туширилиши вилоятда спортни янада оммалаштиришга, иқтидорли спортчиларни саралашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидладилар.

футболчилар ўртасидаги учрашув чиройли комбинациялар, муросасиз ҳужумларга бой бўлди. Уйин тугашига санокли дақиқалар қолганида омад оролбўйдан келган кишиларга насиб этди: 5:4.

«Б» гуруҳида иштирок этган пойтахт вилояти спортчилари ҳам бўш келишмади. Улар биринчи учрашувда андижонлик рақибларини мағлуб этган қашқадарёликлар билан куч сиなしб, 3:1 ҳисобида устун келди.

Сурхондарёда мини футбол ҳам ривожланиб бормоқда. Бу мезонларнинг дастлабки учрашувларидеяқ ёрқин намоён бўлди. Навоий вилояти вакиллари билан кечган ўйинда сурхондарёликлар моҳир футболчилар каби майдонда дадил ҳаракат қилиб, мухлислар олқишига сазовор бўлишди. Кучли зарбалар, бир-биридан чиройли ҳаракатлар натижасида улар 5:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

ЖОЗИБАСИ ЎЗГАЧА

Республика кишлоқ спартакиадаси мусобақалари дастуридан ўрин олган мини футбол, шохмот, шашка, волейбол, стол тенниси беллашувлари гоётада қизикарли ўтмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда 12 та вилоят терма жамоалари вакиллари голиблик учун баҳсга киришдилар.

Кўрға натижаларига кўра мини футбол ўйинларининг «А» гуруҳидан тўрт жамоа — Сирдарё, Хоразм, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари жой олишди. Қорақалпоғистонлик ва сирдарёлик

Мусобақалар қизгин давом этмоқда. Улар ҳақида газетамизнинг галдаги сонларида атрафлича ҳикоя қилиб борамиз.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
Икром ҲАСАНОВ,
Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» махсус мухбирлари.



БУ ҚИЗИҚ

Инглиз психологи Майкл Арчил дунё бўйлаб савҳати мобайнида имо-ишора тилини ўрганди. Унинг аниқлашича, бир соатли суҳбат чоғида финлар бир марта, италянлар — 80, французлар — 120 ва мексикаликлар 180 марта имо-ишора билан сўзлашар экан.

лум бўлган ва яратилаётган янги кимёвий бирикмаларни рўйхатга олиб боради. Олти миллионинчи бирикма ҳам рўйхатга олинди. Унинг номи циклопентенон бўлиб, турли химикатлар ишлаб чиқаришда ва фармоцевтика саноатида кенг фойдаланилади.

Дунёда ҳаммаси бўлиб қанча бирикма бор? Буни фақат америкалик кимёгарлар жамиятига айтиб бера олади. Бу жамият 1965 йилдан бери маъ-

100 йилдан ортиқ умр кўрувчилар рўйхатида японлар дунёда биринчи ўринда турар экан. Бурноғи йили 1354 япониялик 100 йиллик юбилейини нишонлади. Буларнинг аксарияти аёллар эди.



Самарқанд шаҳридаги молия иқтисодиёт коллежи ўқитувчиларининг сайё-ҳаракатлари билан бу ерда таълим-ўқув мини банки ўз фаолиятини бошлади.

Мазкур мини банкни очишдан асосий мақсад, талабалар олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаш. Бундан ташқари, бу ерда коллеж талабалари ва ўқитувчиларига банк хизмати кўрсатилади.

Яқинда бу ерда «Акция», «Кредит» ва «Депозит» мавзуларида кўвноклар ва зукколар ўйини ўтказилди. Ушбу тадбир талабаларнинг банк иши бўйича интеллектуал салоҳиятларини яна бир бора оширди.

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.
Т.НОРУЛОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

ҲОЙДА КЕЛТИРАЁТГАН БУЗҒУНЧИ ФИЛЛАР

Филлардан қурувчи чиқмаслиги маълум. Лекин бу улкан жониворлар эски иморатларни бузиш ва вайрон қилишда жуда қўл келади. Хиндистонда маҳаллий ҳокимият органлари филлардан худди шу мақсадда самарали фойдаланишмоқда.

Масалан, яқинда мамлакатнинг шимоли-шарқидидаги Ассам штати маъмурий маркази - Гаухати шаҳри ҳокимлиги бешта филни хизматга олди. Улар шаҳар чеккасида маҳаллий маъмуриятнинг руҳсатисиз қурилган минглаб уйларни бузишда булдозер вазифасини бажармоқда. Ҳозирча шаҳар раҳбарияти оғирлиги бир неча тонна келадиган тирик механизмларнинг хизматидан мамнун. Филлар хартуми билан аввал иморатларнинг томини бузиб, кейин деворини ер билан битта қилмоқда.

Маҳаллий ҳокимлик ана шундай уйдабуронлик билан 220 гектар майдонни осонгина «тозалаб», истироҳат боғи яратмоқчи.

Тўғри, иморатларни бузиш учун шаҳарда ҳақиқий техника ҳам, ишчи ҳам етарли. Бироқ уларнинг фойдасидан зиёни кўплиги тез борада маълум бўлиб қолди. Гап шундаки, бир неча ой аввал шаҳар раҳбарияти ноқонуний қурилган уйларни бузиш учун ишчи ва полициячиларни жалб қилганди. Бироқ аҳолининг улarga қаршилик кўрсатиши қутилмаган оқибатларга олиб келди. Тўқнашувлар натижасида бир киши қурбон бўлди, ўнлаб одам жароҳатланди. Филлар ишга солингандан кейин эса муаммо ўз-ўзидан барҳам топди. Одамлар нақд бешта «тирик булдозер»ни кўриши билан кўрқувдан ваҳимага тушиб, тум-тарақай қочишга тушди.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маммура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва ёллонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.15

Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсатиши: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Ўлчами А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сомувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.